



INTELLECTUAL PROPERTY PROTECTION IN THE DIGITAL ECONOMY OF DEVELOPED COUNTRIES: NATIONAL AND INTERNATIONAL EXPERIENCE

F.B. Kholiknazarov

2nd-year student, Correspondence Master's Program, Law
Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19569058>

ARTICLE INFO

Received: 08th April 2026

Accepted: 13th April 2026

Online: 14th April 2026

KEYWORDS

Intellectual property, digital economy, copyright, digital rights management (DRM), protection of intellectual property on the Internet, international experience in intellectual property, innovations in intellectual property and information technology, legal regulation of intellectual property.

ABSTRACT

This article examines the legal and institutional aspects of intellectual property protection in the context of the digital economy in developed foreign countries and comprehensively analyzes the technological mechanisms. In particular, using the experience of the USA, European Union countries, Japan, and South Korea, the authors highlighted effective methods for protecting intellectual property objects in the internet environment, including digital rights management (DRM), online monitoring, the use of artificial intelligence technologies, and the importance of international cooperation. The article also examines issues regarding the prevention of copyright and related rights violations in the digital environment, content licensing, and the improvement of liability measures for violations. Concrete proposal for the development of the intellectual property protection system in Uzbekistan through a comparative analysis of national and foreign experience and recommendations.

РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Ф.Б. Ҳолиқназаров

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси сиртқи
магистратуранинг 2-босқич тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19569058>

ARTICLE INFO

Received: 08th April 2026

Accepted: 13th April 2026

Online: 14th April 2026

KEYWORDS

Интеллектуал мулк, рақамли иқтисодиёт, муаллифлик ҳуқуқи, рақамли ҳуқуқларни бошқариш (DRM),

ABSTRACT

Мазкур мақолада ривожланган хорижий давлатларда рақамли иқтисодиёт шароитида интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий, институционал ва технологик механизмлари комплекс тарзда таҳлил қилинган. Хусусан, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония ва Жанубий Корея тажрибаси мисолида муаллифлар интеллектуал мулк объектларини интернет муҳитида муҳофаза қилишнинг самарали усуллари, жумладан, рақамли



интеллектуал мулкни интернет муҳитида ҳимоя, интеллектуал мулк юзасидан халқаро тажриба, интеллектуал мулк бўйича инновация ва ахборот технологиялари, интеллектуал мулкни ҳуқуқий тартибга солиш..

ҳуқуқларни бошқариш (DRM), онлайн мониторинг, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш ҳамда халқаро ҳамкорликнинг аҳамиятини ёритиб берган. Шунингдек, мақолада рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш ҳолатларини олдини олиш, контентни лицензиялаш ва ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Миллий ва хорижий тажрибани қиёсий таҳлил қилиш орқали Ўзбекистонда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тизимини ривожлантиришга доир аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

КИРИШ

Бугунги глобаллашув ва жадал рақамлашув шароитида рақамли иқтисодиёт дунё давлатлари тараққиётининг асосий драйверларидан бирига айланмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши, интернет тармоғининг оммалашуви ҳамда электрон хизматлар ҳажмининг ортиши натижасида интеллектуал мулк объектларини яратиш, тарқатиш ва тижоратлаштириш жараёнлари мутлақо янги босқичга кўтарилди. Шу билан бирга, рақамли муҳитда интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари, хусусан, ноқонуний кўчириш, тарқатиш ва фойдаланиш каби хавф-хатарлар ҳам ортиб бормоқда.

Ривожланган хорижий давлатларда рақамли иқтисодиёт шароитида интеллектуал мулкни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада самарали ҳуқуқий механизмлар, институционал тизимлар ва замонавий технологик ечимлар жорий этилган. Айниқса, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош

ҳуқуқларни интернет муҳитида муҳофаза қилиш, рақамли ҳуқуқларни бошқариш (DRM), контентни идентификация қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларни тезкор аниқлаш каби воситалар амалиётда кенг қўлланилмоқда. Шу муносабат билан, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, уни таҳлил қилиш ва миллий қонунчилик ҳамда амалиётга тадбиқ этиш заруриятини кун сайин ортаётганлиги барчамиз учун муҳим илмий-амалий аҳамияти юқорлигига қолмоқда. Демак, ушбу илмий баҳс-мунозаларимизнинг асосий мақсади – бугунги кунда рақамли иқтисодиёт шароитида интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг миллий ва хорижий тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш, дунёдаги энг илғор ёндашувларни аниқлаш ҳамда Ўзбекистонда айнан шу соҳани такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий, илмий-амалий, илмий-ҳуқуқий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилишдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР



Рақамли иқтисодиёт шароитида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш масаласи халқаро ва миллий миқёсда кенг ўрганилган илмий йўналишлардан бири ҳисобланади. Хусусан, World Intellectual Property Organization (WIPO) томонидан тайёрланган таҳлилларда рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг глобал тенденциялари, ҳуқуқбузарликларни камайтириш механизмлари ва халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти атрофлича ёритилган. WIPOнинг “World Intellectual Property Report” (2022) ҳисоботида рақамли технологиялар интеллектуал мулк тизимида кўрсатаётган таъсирлар таҳлил қилинган [1].

Европа мамлакатлари тажрибаси European Union доирасида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар орқали кенг ёритилган. Хусусан, 2019 йилда қабул қилинган “Directive on Copyright in the Digital Single Market” рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳужжатда онлайн платформаларнинг жавобгарлиги, контентни лицензиялаш ва ҳуқуқ эгаларини ҳимоя қилиш механизмлари белгилаб берган [2].

Samuelson P. фикрича, АҚШда рақамли муҳитда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича асосий ҳуқуқий манбалардан бири – Digital Millennium Copyright Act ҳисобланади. Илмий адабиётларда мазкур қонуннинг интернет-платформалар фаолиятини тартибга солишдаги ўрни “notice and takedown” механизмининг самарадорлиги ва

амалиётдаги муаммолари таҳлил қилинганлигини кўришимиз мумкин [3]. Шунингдек, рақамли ҳуқуқларни бошқариш (DRM) ва сунъий интеллект асосида контентни ҳимоя қилиш масалалари Information Technology Law соҳасидаги олимлар томонидан тадқиқ этилган. Шу аснода, масалан, Lawrence Lessig эса, ўз асарларида рақамли муҳитда ҳуқуқий тартибга солиш билан бир қаторда технологик механизмларнинг ҳам аҳамиятига эътибор қаратиш зарур эканлигини таъкидлаган [4]. Bently Sherman ва Lionel Bentlyлар томонидан, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг рақамли трансформация шароитидаги эволюциясини асослаган ва илмий таҳлил қилган [5].

Ҳуқуқшунос олимлардан Ж. Юсупов [6] ҳамда А.Раҳмонов[7]ларнинг қайд этишича, интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари, интернет муҳитидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ўрганилган. Бироқ, хорижий тажриба билан қиёсий таҳлиллар ҳали ҳам чуқурлаштиришни тарғиб этганлар.

Таниқли цивилист олим, профессор О.Окюлов таъкидлашича, “Индивидуаллаштириш воситалари (товар белгиси, хизмат белгиси ва бошқалар) албатта янгилик ёки ижодийлик натижаси бўлиши шарт эмас, аммо улар бошқа ўхшаш воситаларни такрорламаслиги, истеъмолчини чалғитмаслиги ва ҳақиқий эгаси ҳақида нотўғри тасаввур уйғотмаслиги лозим.” Шунингдек, у интеллектуал мулк ҳуқуқининг мазмунини кенгроқ



изоҳлаб, қуйидаги ўз фикрларини таъкидлаган: *биринчидан*, интеллектуал мулк объектлари шахсга мутлақ ҳуқуқ беради, *иккинчидан*, ушбу ҳуқуқ орқали субъект фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришади ва иқтисодий фаолиятни амалга оширади, *учинчидан*, интеллектуал мулк иқтисодий даромад олишнинг муҳим ҳуқуқий воситаси ҳисобланади [8].

Таъкидлаш керакки, ривожланган хорижий давлатларнинг рақамли иқтисодиётида интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда албатта қуйидаги илмий методлардан фойдаланиш жоиз деб ҳисоблаш мумкин. Хусусан,

1) Қиёсий-ҳуқуқий таҳлил методи – рақамли иқтисодиётида интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда ривожланган хорижий давлатлар (АҚШ, Европа Иттифоқи, Япония, Жанубий Корея) қонунчилиги ва амалиётини Ўзбекистон миллий қонунчилиги билан таққослаш орқали умумий ва фарқли жиҳатлар аниқланади;

2) Тизимли таҳлил методи – интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий, институционал ва технологик элементлари бир бутун тизим сифатида ўрганилади;

3) Формал-ҳуқуқий метод – рақамли иқтисодиётида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини таҳлил қилиш орқали ҳуқуқий нормаларнинг моҳияти ва амал қилиш механизми очиб берилади;

4) Статистик таҳлил методи – интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида халқаро ташкилотлар, жумладан WIPO ва бошқа манбалар маълумотлари асосида интеллектуал мулк ҳуқуқбузарликлари динамикаси ўрганилади;

5) Контент таҳлили методи – интеллектуал мулкни ҳимоя қилишга доир илмий адабиётлар, халқаро ҳисоботлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни таҳлил қилинади;

6) Индукция ва дедукция методлари – айнан интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида алоҳида ҳолатларда умумий хулосалар чиқариш ва назарий қоидаларни таҳлили натижасида амалий тавсиялар ишлаб чиқишда қўлланилади.

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

АҚШда интеллектуал мулкни рақамли муҳитда ҳимоя қилишнинг асосий ҳуқуқий асоси – Digital Millennium Copyright Act ҳисобланади. Ушбу қонунга мувофиқ; интернет-платформалар (YouTube, Amazon ва бошқалар) “safe harbor” (шартли иммунитет)га эгаллиги, ҳуқуқ эгаси ариза берган ҳолда контентни олиб ташлаш (“notice and takedown”) механизми самарали ишлаши, платформалар тезкор чора кўрса, жавобгарликдан озод этилиши самарали йўлга қўйилган. Умуман олганда, АҚШ модели бозор эркинлигини сақлаган ҳолда, платформалар ва ҳуқуқ эгалари ўртасида мувозанатни таъминлайди [9].

Европа давлатларида интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда янги босқич – платформаларнинг



фаол жавобгарлигини кучайтириш билан машхур. Хусусан, 2019 йилдан буён “Digital Single Market” директивасига мувофиқ онлайн платформалар контентни олдиндан филтрлашга мажбур эканлиги, DRM ва автоматик контент таниш технологиялари кенг қўлланилиши, лицензиялаш ва муаллифларга ҳақ тўлаш механизми кучайтирилганлигини кўришимиз мумкин. Таъкидлаш лозимки, Европа моделида давлатларнинг аралашуви юқори бўлиб, платформаларга проактив мажбуриятлар юклашни назарда тутди [10].

Япония ва Жанубий Корея давлатларида эса, Осиёда ривожланган давлатлар интеллектуал мулкни ҳимоя қилишда технологик ёндашувга катта эътибор қаратилган ҳолда, DRM тизимларини бузиш қатъиян тақиқланганлиги, жиноий ва маъмурий жавобгарлик чоралари қатъийлиги, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги ижобий йўлга қўйилганлиги ҳамда суд амалиётида фаол қонуний эътибор юқори даражада эканлигини қайд этиш мумкин [11].

НАТИЖАЛАР

Қайд этиш керакки, рақамли иқтисодиётида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тадқиқотлар шуни кўрсатадики, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг самарали ҳимояси рақамли трансформация жараёнларини тезлаштириб, корхоналарда инновация ва рақамлаштириш даражаси интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш даражаси билан бевосита боғлиқ бўлади. Жумладан, 2012-2020 йиллар

кесимида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш корхоналарда илмий-тадқиқот (R&D) сармояларини ошириш ва рақамли технологияларни жорий этишни рағбатлантириб, 2025 йилги тадқиқотда ҳам интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш кучли бўлган шароитда корхоналарнинг рақамли ривожланиши сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди [12].

World Intellectual Property Organization ҳисоботларига кўра, рақамли технологиялар (интернет, сунъий интеллект, 5G ва бошқалар) глобал иқтисодиётнинг асосий драйверига айланди ва улар интеллектуал мулк тизими билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади. Хусусан, стандартга боғлиқ патентлар (SEP) рақамли инфратузилманинг асосини ташкил этиб, 2026 йилда инновацияларни тижоратлаштиришда муҳим аҳамият касб этиб, рақамли иқтисодиётда интеллектуал мулк фақат ҳуқуқий эмас, балки технологик инфратузилманинг ажралмас қисмига айланди [10]. Ўрганишларнинг илмий таҳлили шуни кўрсатадики, биринчидан, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш рақамли иқтисодиёт самарадорлигини оширади, иккинчидан, IP тизими инновация, инвестиция ва технологиялар тарқалишининг асосий драйвери ҳисобланади; учинчидан, халқаро тажриба рақамли муҳитда комплекс (*ҳуқуқий + технологик + институционал*) ёндашувни амалга ошириш зарурлигини талаб этади.

НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ



Ривожланган хорижий давлатларнинг рақамли иқтисодиётида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш хорижий тажрибаларнинг илмий таҳлили натижаси талқини ҳамда билдирилган фикр ва мулоҳазаларнинг самараси сифатида қуйидаги таклиф-тавсияларни санаб ўтиш зарур деб ҳисоблаш мумкин. Жумладан,

Биринчидан, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш рақамли иқтисодиётнинг асосий институционал элементи ҳисоблаш ва самарали тизим фақат ҳуқуқий эмас, балки технологик ва институционал чораларнинг уйғунлигини талаб қилиш;

Иккинчидан, келажакда сунъий интеллект ва блокчейн технологиялари IP ҳимоясининг янги босқичини белгилаб бериш ва Ўзбекистон учун энг мақбул йўл технологик ёндашувини уйғунлаштирган гибрид моделни жорий этиш зарурияти юқори ҳисобланади;

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 1031-моддасининг биринчи қисмига мазмунига: *“Интернет ижтимоий тармоқлари орқали яъни дастурлари асосида яратилган илмий манбалар”* номли ҳуқуқий нормани киритиш керак;

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 1034-моддасининг олтинчи қисмини:

“Интеллектуал мулк объектларидан ахборот-коммуникация тармоқлари, шу жумладан интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали рухсатсиз фойдаланиш мутлақ ҳуқуқни бузиш деб ҳисобланади” таҳрирдаги ҳуқуқий нормалар билан қўшимчалар киритиш лозим;

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 1036-моддасининг саккизинчи олтинчи қисми: *“Лицензия шартномаси объектларини фуқаролик муамоласида объектлари доираси Ўзбекистон Республикасининг бутун маъмурий ҳудудда амалга қилади”* деган ҳуқуқий нормани киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин.

Хуллас, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, рақамли иқтисодиёт шароитида интеллектуал мулкни самарали ҳимоя қилиш инновациялар, инвестициялар ва технологиялар ривожининг муҳим омили ҳисобланиб, самарали тизим ҳуқуқий нормалар, замонавий технологиялар (DRM, AI) ва институционал механизмларнинг уйғунлигига асосланади. Шу боис, миллий амалиётни такомиллаштириш борасида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларни жорий этиш, рақамли муҳитда ҳуқуқий ҳимояни кучайтириш ва халқаро стандартларга мослашиш устувор вазифаларни таъминлашга хизмат қилади..



References:

1. World Intellectual Property Organization. *World Intellectual Property Report 2022: The Direction of Innovation*. – Geneva: WIPO, 2022. – P.15-32.
2. European Union. *Directive (EU) 2019/790 on Copyright in the Digital Single Market*. – Brussels, 2019. – P. 45-68.
3. Pamela Samuelson “Digital Copyright and Fair Use in the Networked World”. – 2020. – P. 78-95.
4. Lawrence Lessig. *Code and Other Laws of Cyberspace*. – New York: Basic Books, 2006. – P. 120-145.
5. Bently Sherman, Lionel Bently. *Intellectual Property Law*. – Oxford: Oxford University Press, 2014. – P. 210-235.
6. Юсупов Ж. Фуқаролик ҳуқуқида интеллектуал мулк масалалари. – Тошкент, 2022. – Б. 56-74.
7. Раҳмонов А. Интернет муҳитида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш. – Тошкент, 2021. – Б. 33-49.
8. Окюлов Омонбой Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Тошкент, 2004. – Б. 140-141.
9. https://intellectual-property-helpdesk.ec.europa.eu/news-events/news/enforcement-intellectual-property-rights-e-commerce-platforms-2024-06-14_en. (Дата обращения: 01.04.2026 г.).
10. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/?uri=CELEX%3A52004DC0261>. (Дата обращения: 01.04.2026 г.).
11. <https://www.scoredetect.com/blog/posts/drm-laws-by-country-comparative-analysis>. (Дата обращения: 01.04.2026 г.).
12. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S1544612325015582>. (Дата обращения: 01.04.2026 г.).
13. <https://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo-pub-944-2026-en-the-world-intellectual-property-report-2026-technology-on-the-move.pdf>. (Дата обращения: 01.04.2026 г.).